

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 06/29.10.2021.V.139.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**Хизмат доирасида фойдаланиш учун  
№ \_\_\_\_\_ нусха**

**УЛУҒМУРАДОВ АЗАМАТ ДАМИНОВИЧ**

**ҲАЙВОНЛАР БРУЦЕЛЛЁЗИНИНГ СЕРОЛОГИК ВА АЛЛЕРГИК  
ДИАГНОСТИКАСИ ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,  
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

УЎК.: 619:616.981.42

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по ветеринарным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on veterinary sciences**

<b>Улуғмуратов Азамат Даминович</b> Ҳайвонлар бруцеллёзининг серологик ва алергик диагностикаси восита ва усуллари тақомиллаштириш.....	3
<b>Улугмуратов Азамат Даминович</b> Совершенствование средств и методов серологической и аллергической диагностики бруцеллеза животных.....	24
<b>Ulugmuradov Azamat Daminovich</b> Improvement of means and methods of serological and allergic diagnostics of animal brucellosis.....	45
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	49

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 06/29.10.2021.V.139.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**УЛУҒМУРАДОВ АЗАМАТ ДАМИНОВИЧ**

**ҲАЙВОНЛАР БРУЦЕЛЛЁЗИНИНГ СЕРОЛОГИК ВА АЛЛЕРГИК  
ДИАГНОСТИКАСИ ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,  
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/V33 рақам билан  
рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида  
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-  
саҳифаси (www.viti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рузимуродов Мухиддин Ахрорович**  
ветеринария фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Хамдамов Хабибуло Аблоқулович**  
ветеринария фанлари доктори, профессор

**Вафақулов Садилло Ҳакимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот  
институти**

Диссертация ҳимояси Ветеринария илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар  
берувчи PhD06/29.10.2021.V.139.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_  
соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 141500, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани,  
Тойлоқ шаҳарчаси, Беруний кўчаси 35 уй. Тел.: (+99866) 666-56-60; факс:(+99866) 666-56-66;  
e-mail: nivi@vetgov.uz)

Диссертация билан Ветеринария илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида  
танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 141500, Самарқанд  
вилояти, Тойлоқ тумани, Тойлоқ шаҳарчаси, Беруний кўчаси 35 уй. Тел.: (99866) 666-56-60;  
факс:(99866) 666-56-66).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси)

**Б.А.Элмуродов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
вет.ф. д., катта илмий ходим

**Ж.М.Исаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
вет.ф.ф.д., катта илмий ходим

**Г.Х.Мамадуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
вет.ф.д., катта илмий ходим

## К И Р И Ш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда бруцеллёз касаллиги кенг тарқалган бўлиб, касалликка қарши кураш асосан жуда катта маблағ талаб этувчи ташкилий-хўжалик комплекс соғломлаштириш тадбирларидан иборатдир. Дунёда чорвачиликнинг ривожланиши, урбанизация, шунингдек, чорвачилик ва озиқ-овқат хавфсизлиги санитария чора-тадбирларининг етарли даражада бажарилмаслиги натижасида бруцеллёз аҳоли саломатлигига катта хавф туғдирмоқда. Ҳайвонлар орасида касаллик турли даражадаги интенсивлик билан қайд этилмоқда ва кўпчилик инсонлар бу касалликдан азият чекишмоқда. Дунёда бруцеллёз ер шарининг Антарктидадан ташқари барча қитъаларида кенг тарқалган. Бруцеллёзга энг эндемик минтақалар бу Ўрта ер денгизи ва Яқин Шарқ мамлакатлари ҳисобланади. Хитойда, Жанубий/Жануби-Шарқий Осиёнинг деярли барча мамлакатларида бруцеллёз билан касалланишнинг ўсиш даражаси кузатилмоқда. «Статистик маълумотлар бўйича дунёда ҳар йили ярим миллионга яқин бруцеллёз билан касаланган инсонлар аниқланмоқда. Аммо ҳақиқатда мутахассислар фикри бўйича бу кўрсаткич 10-25 марта кўп бўлиши мумкин»<sup>1</sup>. Касалликни юқтириб олган инсонларнинг кўпчилиги ногирон бўлиб қолади ва қўзғатувчининг *Brucella melitensis* тури энг хавфли оқибатларни олиб келади. Шундан келиб чиқиб, касалликни тезкор аниқлаш учун маҳаллий хом ашё асосида ташхис воситаларини яратиш муҳим вазифалардан биридир.

Бруцеллёз белгиларини бундан уч минг йил илгари Гиппократ таърифлаган. IX-асрнинг иккинчи ярмида «Мальта иситмаси» деб номланган ушбу касаллик билан Девид Брюс шуғулланган. 1920 йилда бруцеллага бугунги кунда маълум бўлган ном берилган. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари бруцеллёзини ўрганишда хориж ва маҳаллий олимлар томонидан *Brucella* қўзғатувчисининг биологик хусусиятларини ҳар томонлама ўрганганилган, жумладан, диагностика усуллари такомиллаштирилиб, ҳайвонлар бруцеллёзига қарши курашда ташхис ва вакцина профилактикасининг аҳамияти ва уларни такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг бруцеллёзларига қарши курашнинг асоси – бу инфекцияни хўжаликка киришидан, касалликка ўз вақтида ташхис қўйиш ва идентификациялашдан, касаллик қўзғатувчисини ташқи муҳитда йўқотиш, ҳайвонларни озиқлантириш ва сақлаш учун оптимал санитария-гигиена шароитларини яратишдан иборат ташкилий-иқтисодий ва ветеринария-санитария тадбирлари тизимини ташкил этади. Маълумки, бруцеллёз бўйича тадқиқотлар олиб боришда уларнинг сезgirлиги ва маҳсуслиги билан аниқланадиган диагностика воситаларининг сифати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Препаратларнинг сифати асосан саноат штамmlарининг хусусиятлари, қўлланиладиган ишлаб

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/brucellosis>

чиқариш технологиясининг мукамаллиги, уларнинг фаоллиги ва махсуслигини стандартлаштириш ва назорат қилиш билан белгиланади. Амалиёт биологик препаратларга, шу жумладан бруцеллёз антигенларига бўлган талабнинг ортиши муносабати билан бруцеллёзнинг серологик диагностикаси воситаларини такомиллаштириш ва импорт ўрини босувчи маҳаллий препаратлар яратиш ва ишлаб чиқариш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»<sup>1</sup>ги Фармони, 2020 йил 25 ноябрдаги ПҚ-4899-сон «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 июлдаги 564-сон «Ветеринария дори воситалари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда соҳага доир бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация доирасидаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бруцеллёз диагностикасида сезиларли қийинчиликлар табиатда айланиб юрувчи касаллик кўзгатувчисининг ўзгарган вариантлари туфайли юзага келади, жумладан S, R, R-S, S-R ва L-шакллари кўплаб тадқиқотчилар – П.А.Триленко, Е.С.Мозесюк, В.Г.Ощепков, Л.Н.Гордиенко, Н.П.Иванов ва бошқалар ўрганишган. Ўзбекистонда сўнгги йилларда бу йўналишдаги тадқиқотлар 1980-2000 ва 2018-2021 йилларда К.Д.Жалилов, М.Мирзаева, Р.Г.Яраев, Х.А.Хамдамов ва М.А.Рузимуродов каби олимлар томонидан амалга оширилган. Ушбу муаллифларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра, Ўзбекистон ҳудудида *B.abortus* 1, 3 ва *B.melitensis* 1 биотипларининг циркуляцияси мавжуд бўлсада, бошқа бруцелла турларининг биотиплари ўрганилмаган.

Ўзбекистонда бугунги кунда бруцеллёз диагностикаси ва вакциналарни sanoat усулида ишлаб чиқариш мавжуд эмас. М.А.Рузимуродов, Р.Г.Яраев, И.Ашуровларнинг илмий тадқиқотлари асосида (1989-2007 йй) *B.abortus* 104М штамми асосида ҳайвонлар бруцеллёзи диагностикаси учун экспресс-тест сифатида Розбенгал антигени ишлаб чиқаришга тавсия этилган. Таъкидлаш жоизки, ХЭБ томонидан серологик тадқиқотлар мажмуаси учун тавсия этилган асосий антигенлардан бири бу «АР, КБР ва КУБР учун ягона

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бруцеллёз антигени» ҳисобланади. Ушбу диагностика умумий ҳайвонларда бруцеллёзнинг ўткир ва сурункали шакллари аниқлаш ва ташхисни тасдиқлашга мўлжалланган. Шу сабабли мамлакатимизда ушбу муаммони ечиш учун ВИТИда 2018 йилдан бошлаб, комплекс бруцеллёз диагностикасида зарур бўлган АР, КБР ва КУБР учун маҳаллий ягона бруцеллёз антигенини яратиш, ишлаб чиқариш ва аллергия ташхис воситаларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотларни олиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасида илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-6-004-2015 «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг бруцеллёз касаллигини аниқлашда замонавий услублар ишлаб чиқиш асосида янги диагностика тизимини яратиш» (2015-2017 йй.), БВ-А-ҚХ-2018-19 «Ҳайвонлар бруцеллёзини махсус олдини олиш учун маҳаллий штаммлар асосида янги бруцеллёзга қарши вакцинани яратиш» илмий-амалий лойиҳаси (2018-2020 йй.) мавзуларидаги илмий амалий лойиҳалар бўйича Давлат дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** ҳар хил тур ва вирулентликка эга бўлган *Brucella* штаммларидан тайёрланган антигенларнинг фаоллиги ва бошқа кўрсаткичларини қиёсий ўрганиш натижасида маҳаллий АР, КБР ва КУБР учун ягона бруцеллёз антигенини ҳамда аллергия ташхислаш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ветеринария илмий тадқиқот институтининг Ноёб объект «Микроорганизмлар коллекцияси»да сақланаётган *B.abortus* ва *B.melitensis* штаммларининг морфологик, биокимёвий, агглютиногенлик, агглютинабеллик, вирулентлилик хусусиятларини аниқлаш;

*B.abortus* ва *B.melitensis* штаммларидан тайёрланган ягона бруцеллёз антигенларининг намуналарини I-(РФ) ва II-усул (АҚШ) ёрдамида тайёрлаш, стандартлаштириш ва лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш шароитларида уларнинг махсуслик ва фаоллик кўрсаткичларини аниқлаш;

Тайёрланган антигенларни махсуслик ҳамда фаоллик кўрсаткичларини оддий ва ўзаро АР, КБРда қуёнларнинг иммун қон зардобларида аниқлаш;

*B.abortus* ва *B.melitensis* штаммларидан аллергияларнинг тажриба микросерияларини турли усуллар ёрдамида тайёрлаш ва лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида уларнинг фаоллик ҳамда махсуслик кўрсаткичларини аниқлаш;

АР, КБР ва КУБР учун ягона бруцеллёз антигени ишлаб чиқариш регламенти (ИЧР), Ташкилот стандарти (Ts) ва фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республикадаги чорвачилик хўжаликлари, шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларидаги қорамол ва майда

шоҳли ҳайвонлар, итлар, лаборатория ҳайвонлари, паталогоанатомик, серологик ва аллергик тадқиқот материалларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида оқ сичқонлар, денгиз чўчқалари, қуёнлар, қорамол, қўй ва эчкиларнинг қон зардоблари, ички аъзолари, бруцеллаларнинг эпизоотик, вакцина, референс штаммлари, бруцеллэз диагностикаумлари ва озиқа муҳитларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Эпизоотологик, клиник, бактериологик, серологик, патологик ёриш, аллергик, биокимёвий, биотехнологик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

*B.abortus* 2017/1, *B.melitensis* Rev-1 UZ ва №9 штаммлари – I-биотипга, *B.abortus* 104M UZ штамми – VI-биотипга, референс штамм *B.abortus* 544 UZ – III-биотипга, *B.melitensis* Новочеркасск-102 UZ штамми – II-биотипга, *B.suis* 1330 UZ штамми эса – I-биотипга мансублиги аниқланган;

АР ва КБР учун тайёрланган ягона бруцеллэз антигенларининг фаоллиги бруцелла anti-abortionus миллий агглютинацияловчи зардобига мувофиқ стандартлаштирилган;

назоратдаги *B.abortus* 99 штаммидан тайёрланган антиген билан маҳаллийлаштирилган *B.abortus* 104M UZ штаммидан тайёрланган антигенларнинг фаоллик кўрсаткичлари бир хил бўлиб, уларнинг *B.melitensis* Rev-1 UZ, ва №9 штаммларидан тайёрланган антигенларга нисбатан йирик донадор агглютинатлар ҳосил қилиши реакция натижаларини ҳисобга олишда диагностик хатоларни камайтириши аниқланган;

аллерген ишлаб чиқаришда бруцеллаларнинг эпизоотик вирулент культураларига нисбатан вакцина штаммларини қўллаш афзалроқлиги ва уларда фаоллик ҳамда махсуслик бўйича фарқ мавжуд эмаслиги аниқланган.

**Тадқиқотларнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда илк бор маҳаллийлаштирилган *B.abortus* 104M UZ штамми ва ундан АР, КБР ва КУБР учун ягона бруцеллэз антигени ишлаб чиқариш усули яратилган;

*B.abortus* 104M UZ штамми АР, КБР ва КУБР учун ягона бруцеллэз антигени ишлаб чиқариш регламенти (ИЧР), Ташкилот стандарти (Ts) ва фойдаланиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилган;

*B.abortus* 104M UZ штаммидан АР, КБР ва КУБР учун ягона бруцеллэз антигени яратилган, давлат рўйхатига (№ВП 0663-21, 02.03.2021 й) киритилган ва Республика ташхис марказларига жорий қилинган;

«АР, КБР ва КУБР учун ягона бруцеллэз антигени»ни 1:150 нисбатда қўллаш бўйича берилган илмий таклифни жорий этиш амалиётда диагностикаум сарфини икки бараварга камайтиришга эришилган;

Республикада илк бор ҳайвонлар бруцеллэзининг аллергик диагностикаси учун *B.melitensis* Rev-1 UZ штамми ва аллергодиагностикумни ишлаб чиқариш усули яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** текширишларнинг ФАО/ЖССТ томонидан бруцелла культураси билан ишлаш учун тавсия

этилган замонавий усуллардан фойдаланилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан чуқур илмий таҳлил қилинганлиги, тасдиқланган илмий техник ҳужжатларга биноан ишлаб чиқарилган ва тижоратлаштирилганлиги, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бруцелла культураларининг биологик хусусиятларини ўрганиш ва селекция ишлари натижасида штаммларнинг биотипик мансублиги аниқланганлиги, ягона бруцеллэз антигенларининг фаоллиги бруцелла anti-abortion миллий зардобига мувофик стандартлаштирилганда бруцеллаларнинг тур ва вирулентлиги диагностика сифатига таъсир қилмаслиги, бир хил фаолликка эга бўлган ягона бруцеллэз антигенларида ҳар хил донатор ва зичликдаги агглютинатлар ҳосил бўлиши ва бу билан диагностик хатоларнинг камайиши, алергодиагностикумларни ишлаб чиқаришда бруцеллаларнинг эпизоотик вирулент культураларига нисбатан юқори қолдиқ вирулент вакцина штаммларини қўллаш афзалроқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда илк бор маҳаллийлаштирилган *B.abortus* 104М UZ штамми асосида АР, КБР ва КУБР учун ягона бруцеллэз антигени ишлаб чиқаришга тавсия этилганлиги, *B.abortus* 104М UZ штаммини АР, КБР ва КУБР учун ягона бруцеллэз антигени ишлаб чиқариш регламенти ва Ташкилот стандарти (Ts) ветеринария амалиётига жорий қилинганлиги, КБРни қўйишда ягона бруцеллэз антигенини 1:150 нисбатда қўллаш билан диагностика сарфини икки бараварга камайтиришга эришилганлиги, ҳайвонлар бруцеллэзи алергик диагностикаси учун *B.melitensis* Rev-1 UZ штамми ва уни ишлаб чиқариш усули тавсия этилганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳайвонлар бруцеллэзининг серологик ва алергик диагностикаси восита ва усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Бруцеллэз диагностикаси учун қўлланиладиган маҳаллий «АР, КБР ва КУБР учун ягона бруцеллэз антигени»ни Ишлаб чиқариш регламенти (ИЧР), Ташкилот стандарти (Ts 05951711-05:2020) ва фойдаланиш қўлланмаси белгиланган тартибда Давлат рўйхатидан (№ВП 0663-21, 02.03.2021 й.) ўтказилган. 2021 йилда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси талабномаси асосида 100 л препарат ишлаб чиқарилиб, республиканинг барча ташхис марказларига етказиб берилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 20 декабрдаги 02/23-439-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу антиген ёрдамида ўтказилган серологик реакцияларда республика бўйича, 2021 йилда жами 1022 ҳолатда ҳайвонларда бруцеллэзнинг ўткир ва сурункали шакллари

аниқланган;

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 2018 йил 12 декабрда «Ҳайвонлар бруцеллёз касаллигининг диагностикаси бўйича илмий асосланган Тизим»и тасдиқланган ва унга «Аллергик диагностика» бўлими қўшимча киритилган. Амалиётда барча худудий Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари ва ташхис марказларида ҳайвонлар бруцеллёзи диагностикаси бўйича асосий қўлланма сифатида фойдаланилмоқда (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 20 декабрдаги 02/23-439-сон маълумотномаси). Натижада ўтган 2021 йилда республика бўйича ташхис марказларида серологик тадқиқотлар ўтказилиб, қорамолларда 655 та, майда шохли ҳайвонлар 319 та, отлар орасида 6 та, итларда 29 та ҳолатда касал ҳайвонлар аниқланган;

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 2021 йил 31 майда «Хўжаликларда қорамолларни парваришлаш ва уларда олиб бориладиган ветеринария-санитария тадбирлари бўйича қўлланма»си тасдиқланиб, амалиётда Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида аҳоли шахсий хўжаликларида қўлланилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 20 декабрдаги 02/23-439-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида шахсий, ёрдамчи хўжаликларида чорвадорлар ва аҳолининг бруцеллёз профилактикаси бўйича кенг тарғибот қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотлар натижалари жами 10 та, жумладан 8 та халқаро, 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида, ВИТИНинг услубий ва илмий кенгаш мажлисларида (2019-2021 й.й.), турли вилоятлар, туманлар ва чорвачилик хўжаликларда ўтказилган семинарларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан 3 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган, олинган натижалар асосида 2 та қўлланма чоп этилган, 1 та Фойдали моделга патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.**

Диссертациянинг «Кириш» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик ҳолати, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот

муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, тадқиқотларнинг вазифалари, тадқиқот объекти, тадқиқот предмети, тадқиқотларнинг услублари, тадқиқотларнинг илмий янгилиги, тадқиқотларнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларнинг апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши баён бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳайвонларда бруцеллёз диагностикасига доир адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида бруцеллёзнинг агглютинация реакцияси (АР) ва комплемент боғлаш реакцияси (КБР) ёрдамида диагностика қилиш, бруцеллаларнинг антиген структураси, бруцеллёз антигенларини тайёрлаш усуллари ва стандартлаштириш, касалликнинг аллергик диагностикаси бўйича маълумотлар ва уларнинг таҳлили баён этилган.

Бутун дунёда бруцеллёздан соғломлаштириш чора-тадбирларининг асосий тамойиллари бугунги кунга қадар касал ҳайвонларни аниқлаш ва изоляция қилиш билан чекланган. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларида бруцеллёз сурункали ва кўпроқ симптомсиз шаклда кечиши сабабли касалликни эрта босқичда аниқлаш, бу борада энг самарали бактериологик (шу жумладан ПЗР), аллергик (пальцебрал намуна) ва серологик (АР, КБР) усуллар ҳисобланади. Ягона бруцеллёз антигенларини тайёрлаш усуллари, фойдаланилган бруцелла штаммлари, ҳайвонлар бруцеллёзига ташхис қўйиш восита ва усуллари такомиллаштириш бўйича кенг кўламли маълумотлар берилган.

«**Антигенларни тайёрлаш учун ажратиб олинган бруцелла культураларининг агглютинабеллик, агглютиногенлик хусусиятларига доир хусусий тадқиқотлар**» номли диссертациянинг иккинчи бобида бруцелла штаммларининг хусусиятлари, Акрифлавин тести, Термоагглютинация реакцияси, Уайт-Вильсон бўйаш усули, пенициллинга сезгирлиги, мономахсус зардоблар билан агглютинация реакция усуллари баён этилган.

Тадқиқотларнинг объекти, предмети ва ҳажми борасида *B.abortus* 104М UZ, 2017/1, *B.melitensis* Rev-1 UZ ва №9 штаммларининг агглютиногенлик хусусиятлари 19 бош қуёнларда қиёсий тажрибаларда ўрганилган. Тажрибада барча қуёнлар учун юқумли доза Л.А.Тарасевич номидаги оптик лойқаланиш стандартига мувофиқ бир миллилитрда 1 млрд. м.ҳ.ни ташкил қилди. Қуёнлар ҳар бир штамм қўзғатувчилари билан юқтирилди. Юқтиришдан 30 кун ўтгач, юраги пункция қилиниб, 7 дан 10 мл.гача қон олинди. Қон зардоби ажратиб олингач, ўрганилаётган штаммларнинг агглютиногенлиги классик агглютинация реакцияси титрининг юқори чегарасига қадар КБР ва РБН ёрдамида текширилди.

*B.abortus* 2017/1, 104М UZ, *B.melitensis* Rev-1 UZ ва №9 штаммларининг агглютиногенлик хусусиятларни 39 дона денгиз чўчкаларида ҳар хил

юктириш дозаларида ўрганилди. Штаммларнинг агглютиногенлик даражасини ўрганишда: 1 мл.да ҳар бир штаммдан 10 000, 100 000, 1 млрд. микроб хужайралари қўлланилди. 30 кун ўтгач, ўрганилаётган штаммларнинг турли дозалари билан эмланган барча денгиз чўчкаларининг юрагидан қон стерил шприцлар ёрдамида серологик тадқиқотлар учун стерил пробиркаларга 2-5 мл.дан олиниб, АР, КБРни қўйиш ва ҳисобга олиш классик усулида амалга оширилди.

Ягона бруцеллёз антигени тажриба серияларини тайёрлаш учун *V.abortus* (104М UZ, 2017/1), *V.melitensis* (Rev-1 UZ, №9) штаммларининг гўшт-пептон жигар глюкоза-глицеринли агар (ГПЖГГА) матрас колбаларда +37+38°C ҳароратда алоҳида-алоҳида ўстирилган уч кунлик культуралари аралашмаларидан фойдаланилди. Диссоциация белгилари бўлмаган культуралар ўсиб чиққан колбалар икки қисмга бўлинди. Биринчи қисм колбалардаги ҳар бир штаммларда фаолсизлантириш учун стерил 0,5% феноллашган физиологик эритма дастлабки босқичда ишлатилди (1-усул, РФ), иккинчи қисм штаммларда эса охириги босқичда ишлатилди (2-усул, АҚШ).

Соф микроб аралашмаси сув ҳаммомида +70°C ҳароратда бир соат давомида қиздирилди. Бруцелла штаммларининг физиологик эритма билан ювилган ва совутилган аралашмаларига стерил 5% феноллашган физиологик эритма қўшилиб, якуний концентрацияси 0,5 фоизга етказилган (2-усул, АҚШ).

Антигенларнинг махсуслиги ва фаоллиги АР ва КБРда Ветеринария илмий-тадқиқот институти Бруцеллёз, Ҳудудий диагностик лабораторияларида, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат хавфсизлиги давлат марказларида комиссия тарзда ўрганилди.

Бруцеллаларнинг ҳар хил тур ва штаммларидан икки хил усул ёрдамида тайёрланган антигенларнинг АР ва КБРдаги фаоллиги ва махсуслигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар бруцеллёз бўйича турли хил эпизоотик шароитдаги хўжаликларда қорамол ва қуй-эчкиларнинг ҳамда тажрибадаги лаборатория ҳайвонларининг ижобий ва салбий кўрсаткичга эга бўлган қон зардобларида ўтказилди.

Антигенлар ва аллергенларнинг махсуслиги АР ва КБРда жами 1636 қон зардобларида ўрганилди. Бруцеллёздан соғлом хўжаликлардаги қорамолларнинг 686 ва майда шохли молларнинг 287 намуналари, 237 таси куйдиргига қарши эмланган қорамоллардан ва 189 таси қорасон, 237 таси колибактериоз, сальмонеллёз ва пастереллёзга қарши эмланган ҳайвонлардан олинган қон зардобларида ўрганилди.

АР ва КБРда антигенлар ва аллергенларнинг фаоллигини текшириш учун жами 10066 намуна қон зардобларидан, шу жумладан: 1063 намуна бруцеллёзга қарши эмланган майда шохли моллар қон зардоблари ва бруцеллёз бўйича турли эпизоотик вазиятдаги ҳайвонларнинг қон зардобларидан фойдаланилди.

*B.abortus* 104M UZ, 2017/1, *B.melitensis* Rev-1 UZ ва №9 штаммларини ГПЖГТҚ, да +37°C ҳароратда 10-15 кун давомида инкубация қилиш йўли билан аллергенлар тайёрланди. Ўстириш муддати тугагач, озиқа муҳитининг тозалиги текширилиб, ҳар бир штамм ўстирилган муҳитлар икки қисмга бўлинди. Биринчи қисми +95°C ҳароратда 30 минут давомида қиздирилди. Муҳит совуғач, суперцентрифугада 10-15 минг айланиш/дақ.да 10 дақиқа давомида центрифуга қилинди. Олинган аллерген концентрати стерил пахта-докали филтёрлардан ўтказилди (1-усул).

Културал суюқликнинг иккинчи қисми полистирол идишда –20°C ҳароратда музлатилиб, иссиқ сув ҳаммомига жойлаштирилди (+90°C) ва бирданига эритилди. Мазкур жараён уч марта такрорланди. Охири эритишдан сўнг, мавжуд бактериал масса суперцентрифугада 10-15 минг айланиш/дақ.да 10 дақиқа давомида центрифуга қилиниб, стерил пахта-докали филтёрлардан ўтказилди (2-усул).

Диссертациянинг «**Бруцелла культураларининг биотипик мансублиги, денгиз чўчкалари ва қуёнларда агглютиногенлик хусусиятлари, икки усулда тайёрланган антигенларни стандартлаштириш ва бошқа тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи бобида бруцелла культураларининг морфологик, културал, биокимёвий, агглютинабеллик ва бошқа хусусиятлари, уларнинг биотипик мансублиги ёритилган. Тадқиқотларда қуёнларнинг иммун қон зардоблари билан оддий ва ўзаро АР ва КБРда икки хил усулда тайёрланган антигенларнинг фаоллиги текширилган. Лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида бруцеллез антигенларининг ва аллергенларнинг фаоллик ва махсуслик натижалари баён этилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, биринчи тажрибада денгиз чўчкаларида *B.abortus* 104M UZ, 2017/1, *B.melitensis* Rev-1 UZ ва №9 штаммларининг агглютиногенлик хусусиятлари аниқланди. 30 кун давомида *B.abortus* 104M UZ, 2017/1, *B.melitensis* Rev-1 UZ ва №9 штаммлари культуралари билан зарарланган барча денгиз чўчкалари организмида бруцелла қўзғатувчилари ажратиб олинди. Жами 8 та антиген намуналар тайёрланди ва колонияларнинг ҳосилдорлиги стабилизациядан олдин ва кейин аниқлаб олинди (1-жадвал).

1-жадвалга кўра, бактериал массани озиқа муҳити (ГПЖГГА) юзасидан ювиб олингандан сўнг, микроб хужайралари (м.х.) концентрацияси аниқланди. *B.abortus* 104M UZ ва *B.melitensis* Rev-1 UZ штаммларидан тайёрланган антигенларда м.х. сони энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, 1 мл.да мос равишда  $200 \pm 14$  ва  $220 \pm 7$  млрд.ни ташкил қилди, бу эса *B.abortus* 2017/1 ва *B.melitensis* №9 эпизоотик штаммларидан тайёрланган антигенларга нисбатан 1,2-1,5 баравар кўп ҳисобланади.

Дастлабки аниқлашда м.х.нинг энг юқори миқдори қайд этилган 104M UZ ва Rev-1 UZ штаммларидан тайёрланган антигенларда, стабилизациядан сўнг колонияларнинг ўсиш ҳосилдорлиги 3-4 бараварга пасайди. Чунки, стабилизация жараёнида йирик антиген конгломератлари шаклланади. Бу

жараён муҳим аҳамиятга эга, чунки агглютинация реакцияси натижалари визуал баҳоланади ва натижаларнинг ишончилиги агглютинатнинг тавсифига боғлиқ бўлади. Икки хил усулда тайёрланган антигенларнинг фаоллигини оддий ва ўзаро АР ва КБРда ўрганиш учун қуёнларнинг гомологик ва гетерологик қон зардобларидан фойдаланилди.

1-жадвал.


### АР да бруцеллэз антигенларини стандартлаштириш натижалари.

Штаммлардан тайёрланган антигенлар	Антигендаги бруцеллалар концентрацияси (млрд.м.х./мл)		АР да миллий зардоб (1:500) билан 50% ли агглютинация берувчи антигенларнинг стандарт эритмаси		Антигенларнинг стандарт эритмасидаги бруцеллалар концентрацияси (млрд.м.х./мл)		
	Стабилизацияга қадар	Стабилизациядан кейин	А	Б	А	Б	
			А	Б	А	Б	
104M UZ	200 ± 14	76,5	76,5	1:4,3	1:3,9	19 ± 1	17 ± 1
2017/1	163,8 ± 8	106	99,5	1:6,0	1:5,6	23 ± 1	19 ± 1
REV-1 UZ	220 ± 7	84	51	1:5,5	1:4,2	30 ± 1	28 ± 1
№9	147 ± 7	78	75	1:6,4	1:4,6	30 ± 1	29 ± 1

Изоҳ: А – 1-усулда тайёрланган антигенлар;

Б – 2-усулда тайёрланган антигенлар.

Тажрибада фойдаланилган қуёнларнинг гомологик ва гетерологик қон зардоблари дастлаб Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган АР, КБР ва КУБР учун ягона бруцеллэз антигени билан қиёсий текширилди (1-расм).




1-расм. Назоратдаги биофабрика антигени томонидан аниқланган антителолар титри.

Текширишларда энг кўп миқдордаги агглютининлар *B. abortus* 104M UZ штамми юктирилган қуёнлар қон зардобларида аниқланди. Қолган бошқа бруцелла штаммлари билан юктирилган қуёнлар қон зардобларида антителоларнинг титри 2,5-3 баробар пастлиги кузатилди. Ушбу гуруҳда энг паст титр кўрсаткичлари *B. melitensis* Rev-1 UZ штамми билан юктирилган қуёнлар организмида кузатилди (340 ХБ/мл).

КБРда энг паст комплемент боғловчи антителолар титри (83 ХБ/мл)

*B.melitensis* Rev-1 UZ штамми юқтирилган қуёнларда ва энг юқори комплемент боғловчи антителолар титри эса (360 ХБ/мл) *B.abortus* 104М UZ штамми юқтирилган қуёнлар қон зардобда аниқланди.

Ҳар икки усулда тайёрланган тажриба антиген намуналарининг АР ва КБРда фаоллигини аниқлаш учун қуёнлар гомологик ва гетерологик қон зардобларидан фойдаланиб титрланди. Тадқиқот давомида агглютининлар ва комплемент боғловчи антителолар миқдорининг ўртача титрлари аниқланди (2-расм).



**2-расм. Икки хил усулда тайёрланган АР ва КБР учун ягона бруцеллэз антигенларини қуён гомологик ва гетерологик зардоблари билан қиёсий ўрганиш диаграммаси.**

*Изоҳ:* А – 1-усулда тайёрланган антиген; Б – 2- усулда тайёрланган антиген;  
К – биофабрикада ишлаб чиқарилган назорат антигени.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, *B.abortus* 2017/1, *B.melitensis* Rev-1 UZ ва №9 штаммларидан 1- ва 2-усулда тайёрланган антигенлар бир хил фаолликка эга бўлиб, гомологик зардобда бир хил миқдордаги антителоларни мос равишда 640, 340, 416 ХБ/мл.да аниқлади. *B.abortus* 104М UZ штаммидан тайёрланган антигеннинг фаоллиги тайёрлаш усулига қараб фарқ қилди. Жумладан, АРда 104М UZ штаммидан 2-усулда тайёрланган антигенда, 1-усулда тайёрланган антигенга нисбатан антителолар титри 160 ХБ/мл.га юқори эканлиги аниқланди. *B.abortus* 104М UZ штаммидан тайёрланган антиген назоратдаги биофабрикада ишлаб чиқарилган *B.abortus* 99 штаммидан тайёрланган ягона бруцеллэз антигени билан солиштирилганда, ҳар икки усулда тайёрланган тажриба антигенлари 160-320 ХБ/мл антителоларни кўп аниқлаб, фаоллиги юқорилиги кузатилди. Ўрганилаётган антигенлар фаоллигини назоратдаги Қозоғистон биофабрикасида ишлаб чиқарилган ягона бруцеллэз антигени билан таққосланганда, *B.abortus* 2017/1 ва *B.melitensis* Rev-1 UZ штаммларидан тайёрланган антигенларда тайёрлаш усулидан қатъий назар, антителоларнинг титри бир хил бўлиб, мос равишда 640 ва 340 ХБ /мл.ни ташкил қилди.

Антигенларнинг фаоллиги бруцеллэзга қарши вакциналарнинг турли дозалари билан эмланган қўйлар қон зардоблари билан лаборатория

шароитида текширилди (2-жадвал). Жадвалдан кўришиб турибдики, бруцеллёзга қарши 3 хил вакцинанинг турли дозалари билан эмланган 18 бош майда шохли ҳайвонларнинг қон зардобларини ўрганишда, барча 4 та антиген микросериялари АР ва КБРда бир хил ижобий реакция берган ҳайвонларни аниқлади.

2-жадвал.

### АР ва КБРда эмланган ҳайвонларнинг қон зардобда антигенларнинг фаоллигини ўрганиш натижалари.

Ҳайвон тури	Ҳайвон сони	Вакцина тайёрланган штамм номи	Эмланган доза (м.х./мл)	АР/КБРда антигенлар билан реакцияга киришди				
				104M UZ	2017/1	REV-1 UZ	№9	99
Майда шохли ҳайвон	6	19 UZ	40 млрд.	6/2	6/2	6/2	6/2	6/2
	6	104M UZ	40 млрд.	4/1	4/1	4/1	4/1	4/1
	6	Rev-1 UZ	2 млрд.	1/0	1/0	1/0	1/0	1/0
<b>ЖАМИ</b>	<b>18</b>							

*Изоҳ:*  $P > 0,05$ , 6/2 – 6-АРдаги ижобий натижа/2-КБРдаги ижобий натижа.

Ҳар бир антиген титрлари билан АР ва КБРдаги титрлар сезиларли даражада фарқ қилмади ва бу статистик аҳамиятсиз ҳисобланади ( $P > 0,05$ ).

Тадқиқотлар натижаларига кўра, *B.abortus* 104M UZ ва *B.melitensis* Rev-1 UZ штаммларидан тайёрланган антигенлар энг истиқболли эканлиги аниқланди.

Қиёсий тадқиқот учун синовдаги 4 та антиген микросерияларининг фаоллиги шартли соғлом ҳар хил эпизоотик ҳолатдаги хўжаликлардан келтирилган, бруцеллёзга қарши эмланмаган қорамоллардан олинган 1793 намуна қон зардоблари РБН ёрдамида текширилиб, ижобий реакция берган ҳайвонлар қон зардоблари АР, КБРда назорат антигени билан солиштирилиб текширилди (3-жадвал).

3-жадвал.

### Эмланган ва шартли соғлом хўжаликлардан келтирилган ҳайвонларнинг қон зардоблари билан 4 та антигеннинг фаоллигини ўрганиш натижалари.

Худудлар номлари	Текширилган намуна умумий сони	Штаммлардан тайёрланган антигенлар АР да реакцияга киришди											
			Текшириш натижаси	104M UZ		2017/1		Rev-1 UZ		№9		99 назорат	
				бош сони	%	бош сони	%						
Самарқанд	475	ижобий	17	3,6	11	2,3	14	2,9	10	2,1	15	3,2	
Жиззах	649	ижобий	2	0,3	1	0,2	1	0,2	1	0,2	2	0,3	
Қашқадарё	400	ижобий	11	2,8	9	2,3	6	1,5	5	1,3	9	2,3	
Қашқадарё Китоб тум	96	ижобий	25	26,0	19	19,8	21	21,8	17	17,7	24	25,0	
Жиззах	173	ижобий	3	1,7	1	0,6	2	1,2	1	0,6	3	1,7	
<b>ЖАМИ</b>	<b>1793</b>	<b>ижобий</b>	<b>58</b>	<b>3,2</b>	<b>41</b>	<b>2,3</b>	<b>44</b>	<b>2,5</b>	<b>34</b>	<b>1,9</b>	<b>53</b>	<b>3,0</b>	

Текширилаётган антигенлар ҳар хил даражадаги реакция берувчи ҳайвонларни аниқлади, бу ўртача 46 бошни ёки 2,6 фоизни ташкил этди.

Аммо, жадвалдан кўриниб турибдики, АРда ижобий реакция берган ҳайвонлар сони назорат антигени ва бошқа антигенларга нисбатан 104М UZ антигенида энг юқори бўлди, 104М UZ антигени назорат антигенидан 5 бошга (0,2%), Rev-1 UZ антигенидан 14 бошга (0,7%), 2017/1 антигенидан 17 бошга (0,9%) ва №9 антигенидан эса 24 бошга (1,3%) кўпроқ бруцеллёз билан касалланган ҳайвонларни аниқлади. *B.melitensis* №9 штаммидан тайёрланган антигеннинг сезгирлиги энг паст бўлди ва бошқа штаммларнинг антигенларига нисбатан ўртача 19 бош кам бруцеллёз билан касалланган ҳайвонларни (34 бош) аниқлади.

Худди шундай ҳолат АР натижаларида гумон реакция кўрсатган ҳайвонларнинг қон зардоблари билан таққосланганда ҳам кузатилди. Антигенларни таққослашда аниқланган фарқ агглютинат тавсифи ва суюқликнинг тиниқлашув даражаси билан белгиланган АР натижаларини сифатли баҳолаш кўрсаткичи ҳисобланади. Шунга асосланиб, 104М UZ ва Rev-1 UZ штаммларидан тайёрланган антигенлар гумон реакция берган баъзи ҳайвонлар аслида ижобий реакция кўрсатганлигини билдириши аниқланди.

Ишлаб чиқариш зардоблари билан 2-усулда тайёрланган ягона бруцеллёз антигенларининг АР ва КБРда махсуслигини текшириш турли ҳудудларидан келтирилган жами 1636 қон зардоблари намуналари, шу жумладан, 1112 бош қорамоллар ва 524 бош майда шохли ҳайвонлар намуналарида текширилди (4-жадвал).

4-жадвал.

**Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида хўжаликлардан келтирилган қон зардоблари билан АР ва КБРда махсуслигини ўрганиш натижалари.**

Ҳайвон тури	Ҳайвонлар эпизоотик гуруҳлари	Текширилган намуна сони	Штаммлардан олинган антигенлар									
			104М UZ		2017/1		Rev-1 UZ		№9		99 назорат	
			АР	КБР	АР	КБР	АР	КБР	АР	КБР	АР	КБР
Қорамол	Эмланмаган	686	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	Куйдиргига қарши эмланган	237	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	Қорасонга қарши эмланган	189	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
<b>Жами</b>		<b>1112</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
Майда шохли ҳайвон	Эмланмаган	287	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	Поливалент ГОА формол вакцинаси билан эмланган	237	0	0	0	0	2	0	5	2	0	0
<b>Жами</b>		<b>524</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>2</b>	<b>0</b>	<b>5</b>	<b>2</b>	<b>0</b>	<b>0</b>

P > 0,05

4-жадвалдан кўриниб турибдики, *B.abortus* 104М UZ, 2017/1, *B.melitensis* Rev-1 UZ ва №9 штаммларидан тайёрланган антигенларнинг микросериялари назоратдаги тижорат антигени билан солиштирилганда, юқори махсусликка эга эканлиги аниқланди. АРда *B.abortus* 104М UZ, 2017/1, *B.melitensis* Rev-1 UZ ва №9 штаммларининг маҳаллий антигенлари

турли вакциналар билан эмланган қорамолларнинг қон зардобларида биронта ҳам номахсус реакциялар кузатилмади. Колибактериоз, сальмонеллёз ва пастереллёзга қарши ГОА формол вакцина билан эмланган 237 бош майда шохли ҳайвонлар қон зардобларида *B.melitensis* Rev-1 UZ, №9 штаммларидан тайёрланган антигенлар билан АРда текширилганда мос равишда 2 ва 5 ҳолатда, КБРда эса 2 ҳолатда номахсус реакциялар кузатилди.

Антигенларнинг турга хос фаоллигини ўрганиш натижалари (3-расм)дан кўриниб турибдики, Россияда ишлаб чиқарилган (2020 йил май), Rev-1 штаммидан тайёрланган бруцеллёзга қарши вакцина билан эмланган майда шохли ҳайвонларнинг 345 намуна қон зардоблари АРда текширилди. Бунда 104М UZ штаммидан тайёрланган антигеннинг бошқа антигенларга нисбатан бирмунча фаолроқлиги аниқланди.



**3-расм. Rev-1 штаммидан тайёрланган вакцина билан эмланган қўйлар қон зардобларини АР ва КБР да турга хос фаоллигини қиёсий ўрганиш натижалари.**

Жумладан, *B.abortus* 104М UZ штаммидан тайёрланган антиген билан реакцияга жавоб берувчи ҳайвонлар 7,5% аниқланган бўлса, 2017/1 штаммидан олинган антиген – 6,9%, *B.melitensis* Rev-1 UZ, №9 штаммларидан олинган антигенлар билан мос равишда 7,2% ва 6,0% аниқланди.

